


## **IV. ИНВЕСТИЦИЯ ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ**

Жорий даврда 7 083,3 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилиб, ўсиш суръати 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 98,0 % ни ташкил этди.

Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 79,8 % ёки 762,5 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмининг 10,8 %) ўзлаштирилди, мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 6 320,8 млрд. сўм ёки 2019 йил январь-сентябрига нисбатан 100,7 % (жами инвестициялардаги улуши 89,2 %) ни ташкил этди.



**Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган  
инвестициялар**  
(2020 йил январь-сентябрь)

	млрд. сўм	ўсиш суръати фоиз, %	ҳажмга нисбатан % да
<b>Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар</b>	<b>7 083,3</b>	<b>98,0</b>	<b>100,0</b>
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>762,5</b>	<b>79,8</b>	<b>10,8</b>
бюджет маблағидан	363,1	52,7	5,1
Ўзбекистон Республикаси кафолати остида бўлган чет эл кредитлари	320,8	156,8	4,5
Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	78,6	126,1	1,2
<b>Марказлашмаган инвестициялар:</b>	<b>6 320,8</b>	<b>100,7</b>	<b>89,2</b>
Корхона ўз маблағлари	2 201,3	159,7	31,0
ахоли маблағлари	912,1	75,0	12,9
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	2 421,6	101,8	34,2
тижорат банки кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	785,8	65,4	11,1

**Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида марказлашган инвестициялар  
манбалари бўйича улуши, % да**



**Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида марказлашмаган инвестициялар манбалари бўйича улуси, % да**



**Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг тақсимланиши  
(жами ҳажмдаги улуси, % да)**



Асосий капиталга инвестицияларнинг энг юқори кўрсаткичи тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар маблағи ҳисобига тўғри келиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 97,3 % ни ташкил этди.


### **Худудлар кесимида асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар**

Шаҳар ва туманлар	Жами		шу жумладан: хорижий инвестиция ва кредитлар	
	млрд. сўм	ўсиш суръати, %	млрд. сўм	ўсиш суръати, %
<b>➤ Вилоят бўйича:</b>	<b>7 083,3</b>	<b>98,0</b>	<b>2 742,4</b>	<b>101,8</b>
<b>шаҳарлар:</b>				
➤ Андижон	1 506,1	79,6	641,8	143,4
➤ Хонобод	194,1	121,5	94,3	76,3
<b>туманлар:</b>				
➤ Андижон	382,1	92,5	123,3	91,7
➤ Асака	734,4	125,4	417,9	184,0
➤ Балиқчи	368,7	112,2	78,4	46,3
➤ Бўйстон	196,4	117,6	108,5	419,0
➤ Булоқбоши	342,1	73,5	76,6	22,0
➤ Жалақудук	262,7	116,9	43,1	231,4
➤ Избоскан	184,0	59,6	65,0	82,2
➤ Улуғнор	160,5	88,0	64,6	299,9
➤ Марҳамат	231,3	171,7	63,2	329,7
➤ Олтинкўл	415,2	111,5	91,0	155,7
➤ Пахтаобод	218,8	95,7	66,7	70,9
➤ Хўжаобод	1138,7	288,9	624,8	323,4
➤ Шаҳрихон	312,2	98,8	44,3	52,5
➤ Кўрғонтепа	436,0	41,3	138,9	21,4

## Худудлар кесимида асосий капиталга инвестициялар ўсиш суръатлари, % да




## Худудлар кесимида жами асосий капиталга инвестициялар улуси, % да




## Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг технологик таркиби

	Жами	Шу жумладан, мулкчилик шакллари бўйича	
		давлат	нодавлат
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>7 083,3</b>	<b>633,9</b>	<b>6 449,4</b>
<i>шу жумладан:</i>			
умумий ҳажмга нисбатан, % да	100,0	8,9	91,1
<i>машина, ускуналар, транспорт воситалари ишилаб чиқарии ва хўжалик жихозлари</i>	54,1	16,5	57,8
қурилиш-монтаж ишлари	38,5	79,5	34,5
бошқа харажатлар	7,4	4,0	7,7

## Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг технологик таркиби, млрд. сўм




## Асосий капиталга инвестицияларнинг тақорор ишлаб чиқариш таркиби, % да



Жорий даврда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг катта қисми кенгайтириш, реконструкция, модернизация, техник қуроллантиришга йўналтирилган. Ушбу йўналишдаги инвестициялар ҳажми 3 921,7 млрд. сўмни ташкил этиб, жами ўзлаштирилган инвестицияларнинг 55,4 % ни ташкил этди.

Мавжуд янги қурилишга йўналтирилган инвестициялар 2 393,5 млрд. сўмни ташкил этди ва вилоятда жами ўзлаштирилган инвестицияларнинг 33,8 % ни ташкил этди, 768,1 млрд. сўм (10,8 %) бошқа харажатларга йўналтирилди.

## Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, млрд. сўм



Асосий капиталга инвестицияларнинг юқори қўрсаткичлари иқтисодий фаолият турлари бўйича қўйидагича тақсимланди: қайта ишлаш саноати жами молиялаштириш манбалари хисобидан 2 978,4 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 42,0 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига 705,7 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга инвестицияларнинг 10,0 %, улгуржи ва чакана савдо соҳасида 725,2 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга инвестицияларнинг 10,2 %, турар - жой бинолари қурилишида 830,3 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга инвестицияларнинг 11,7 % ҳамда қурилиш соҳасида 378,0 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга инвестицияларнинг 5,3 фоизи ўзлаштирилди.

**Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларни иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби**

■ 2019 йил январь-сентябрь ■ 2020 йил январь-сентябрь



Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида қайта ишлаш саноати етакчилик килмоқда. Ушбу тармоқда 2 978,4 млрд. сўм ўзлаштирилиб, жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг 42,0 % ташкил этди.

2020 йил январь-сентябрида умумий майдони 648,6 минг кв.м. (2019 йилнинг мос даврига нисбатан 96,5 %) бўлган 4 084 хонадонга эга бўлган тураг - жойлар, улардан 449,5 минг кв.м. (94,9 %) бўлган 2 680 та хонадонлар қишлоқ жойларда ишга туширилди.



## 2020 йил январь-сентябрь ойларида бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ва ўсиш суръатлари

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида Андижон вилоятида жами 3 143,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 105,3 % ни ташкил этди.




## Қурилиш ишлари ҳажмининг таркиби ва улуши (2020 йил январь-сентябрь ойлари)



Амалга оширилган қурилиш ишлари мулкчилик шакли, давлат ва нодавлат бўлган корхона ва ташкилотлар таркиби бўйича бўлинади.

Қурилиш ишлари ҳажми йирик қурилиш ташкилотлари, кичик корхона ва микрофирмалар ҳамда норасмий секторларда амалга оширилган ишлар таркиби бўйича шакилланади.



**Маълумот учун:** қурилиши ишлари ҳажми бу – ўз қучи билан бажарилган қурилиши ишлари, янги қурилиши, капитал ва жорий таъмирлаши ҳамда бошқа пудрат қурилиши ишлари натижасидир.

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида, жами қурилиш ишлари ҳажми таркибида йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 226,0 млрд. сўмни ташкил этди. Қурилиш ишлари 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан ўсиш суръати 188,4 % ни, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 7,2 % ни ташкил этди.




### Бажарилган қурилиш ишлари ҳажмида йирик ташкилотларнинг улуши ва ўсиш суръати, % да



**Маълумот учун:** йирик қурилиши ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиши ишларининг жами қурилиши ишлари ҳажмидаги энг кўп улуши Андижон шаҳар (ҳудуддаги жами қурилиши ишлари ҳажмининг 35,1 % ни ёки 2019 йилнинг январь-сентябрь ойига нисбатан 86,0 %) га тўғри келади.



## Қурилиш ишлари умумий ҳажмида кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши, % да



### Кичик корхона ва микрофирмалар


- 2020- йил январь-сентябрь
- 2019- йил январь-сентябрь

Кичик корхона ва микрофирмалар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 2020 йил январь-сентябрь ойларида қурилиш ишларини бажарган бошқа ташкилотларга нисбатан ошганлиги кузатилди. Улар ҳиссасига жами қурилиш ишлари ҳажмининг 67,2 % тўғри келиб, 2019 йилнинг январь-сентябрь ойлари кўрсаткичига нисбатан 2,5 % пунктга кўпайди. Шунингдек улар ҳиссасига тўғри келган қурилиш ишлари ҳажми 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 100,6 % ни ташкил этган ҳолда 2 111,7 млрд. сўм миқдорида қайд этилди.

Норасмий сектор ҳиссасига тўғри келган қурилиш ишлари улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 25,6 % ни ташкил этди ёки 806,0 млрд. сўм миқдорида қайд этилди. 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 105,2 % ни ташкил этди.



## Қурилиш ишлари умумий ҳажмида норасмий секторнинг улуши



Давлат мулкчилиги шаклидаги ташкилотлар томонидан жами 231,9 млрд. сўм ёки 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 118,7 % қурилиш ишлари бажарилди. Нодавлат мулкчилигидаги ташкилотлар томонидан эса 2 911,9 млрд. сўм қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 103,6 % ни ташкил этди.



## Мулкчилик шакли давлат ва нодавлат бўлган ташкилотлар томонидан бажарилган қурилиш ишлари, % да



Давлат мулки



Нодавлат мулки



**Худудлар кесимида мулкчилик шакллари бўйича бажарилган  
курилиш ишлари**  
(2020 йил январь-сентябрь ойлари)

	Курилиш ишлари ҳажми, млрд. сўм	Давлат мулки		Нодавлат мулк*	
		млрд. сўм	улуши % да	млрд. сўм	улуши % да
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>3 143,7</b>	<b>231,9</b>	<b>7,4</b>	<b>2 911,8</b>	<b>92,6</b>
Андижон ш.	1 030,2	41,9	4,1	988,3	95,9
Хонобод ш.	88,9	-	-	88,9	100,0
туманлар :					
Андижон	470,3	27,7	5,9	442,6	94,1
Асака	136,6	10,1	7,4	126,5	92,6
Балиқчи	81,3	10,1	12,4	71,2	87,6
Бўйстон	111,3	3,3	2,9	108,0	97,1
Булоқбоши	51,5	10,1	19,6	41,4	80,4
Жалақудук	138,7	33,2	24,0	105,5	76,0
Избоскан	99,8	10,1	10,1	89,7	89,9
Улуғнор	62,4	32,0	51,3	30,4	48,7
Марҳамат	144,1	10,1	7,0	134,1	93,0
Олтинкўл	122,7	3,0	2,5	119,7	97,5
Пахтаобод	148,5	10,1	6,8	138,4	93,2
Хўжаобод	89,2	10,0	11,3	79,1	88,7
Шаҳрихон	242,9	10,0	4,1	232,9	95,9
Қўрғонтепа	125,2	10,1	8,0	115,1	92,0

\* Худудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмни қўшган ҳолда



## Андижон вилояти иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари, % да

2019 йил январь-сентябрь

17,6

Ихтисослаштирилган  
қурилиш ишлари



9,3

Фуқаролик  
обектларини қуриш



73,1

Бино ва  
иншиотларини қуриш



2020 йил январь-сентябрь

12,4

Ихтисослаштирилган  
қурилиш ишлари



12,5

Фуқаролик  
обектларини қуриш



75,1

Бино ва  
иншиотларини қуриш



**Маълумот учун:** иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиши ишларининг асосий қисми қурилиши, турар жой ва яшаш учун мўлжалланган ҳамда яшаш учун мўлжалланган бинолар қуриши бўйича амалга оширилган қурилиши ишларидан




## Бино ва иншоотлар қурилиши

Бино ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари улуши 5,4 % ни ташкил этиб, 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларидағи кўрсаткичга нисбатан 5,4 % пунктга кўпайди.

Ушбу фаолият турида кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келган улуш 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларидағи кўрсаткичга нисбатан 7,6 % пунктга кўпайиб, 60,5 % ни ташкил этди.

Норасмий секторнинг улуши эса 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларидағи кўрсаткичга нисбатан 2,2 % пунктга ортиб, 34,1 % ни ташкил этди.






## Фуқаролик обектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари

Фуқаролик обектларини қуриш бўйича йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг улуши 15,1 % ни ташкил этди ва 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларидағи кўрсаткичга нисбатан 7,0 % пунктга кўпайди.


Шунингдек, кичик корхона ва микрофирмалар улуши мос равища 84,9 % (6,9 % пунктга кўпайди).





## Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари

Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари таркибида йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг улуши 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларидаги кўрсаткичга нисбатан 5,4 % пунктга кўпайди ва 10,4 % ни ташкил этди. Қолган 89,6 % кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келиб, 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларидаги кўрсаткичга нисбатан 8,8 % пунктга кўпайди.





## Худудлар кесимида қурилиш ишлари (2020 йил январь-сентябрь ойларида)

### Эң жоғары ҳажм (млрд. сүм)

Андижон ш.  
1 030,2

1

2

Андижон т.  
470,3

Шаҳриён т.  
242,9

3



### Кичик ҳажм (млрд. сүм)

Балиқчи т.  
81,3

Улуғнор т.  
62,4

Булоқбоши т.  
51,5

